

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 122-ҳадис

122 – الْأَوَّلُ: عَنْ أَبِي ذَرِّ جُنْدَبِ بْنِ جُنَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ أَيُّ الْأَعْمَالِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: «الْإِيمَانُ بِاللَّهِ، وَالْجِهَادُ فِي سَبِيلِهِ» قُلْتُ: أَيُّ الرِّقَابِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: «أَنْتَفُسُهَا عِنْدَ أَهْلِهَا، وَأَكْثَرُهَا تَمَنَّا». قُلْتُ: فَإِنْ لَمْ أَفْعَلْ؟ قَالَ: «تُعِينُ صَانِعاً أَوْ تَصْنَعُ لِأَخْرَقَ» قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ أَرَأَيْتَ إِنْ ضَعُفْتُ عَنْ بَعْضِ الْعَمَلِ؟ قَالَ: «تَكُفُّ شَرَكُ عَنِ النَّاسِ؛ فَإِنَّهَا صَدَقَةٌ مِنْكَ عَلَى نَفْسِكَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 2518، م 84].

«الصَّانِعُ» بِالصَّادِ الْمُهْمَلَةِ، هَذَا هُوَ الْمَشْهُورُ، وَرُوي «ضَائِعاً» بِالْمُعْجَمَةِ؛ أَيُّ ذَا ضِيَاعٍ مِنْ فُقْرٍ أَوْ عِيَالٍ، وَنَحْوِ ذَلِكَ، وَ«الْأَخْرَقُ»: الَّذِي لَا يَتَّقِنُ مَا يُجَاوِلُ فِعْلَهُ.

122. Абу Зарр Жундуб ибн Жунода розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, амалларнинг энг афзали қайси?» дедим. У зот: «Аллоҳга иймон келтириш ва Унинг йўлида жиҳод қилиш», дедилар. «Қандай қул(ни озод қилиш) афзал?» дедим. «Эгасининг наздида энг кадрлиси, баҳоси энг қиммати», дедилар. «Буни қила олмасам-чи?» дедим. «Хунарлига ёрдам берасан ёки хунарсизга иш қилиб берасан», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, айтинг-чи, агар баъзи амалларни қилишга заифлик қилиб қолсам-чи?» дедим. У зот: «Одамларга ёмонлик қилишдан тийиласан, мана шу ўзингнинг ўзингга қилган садақангдир», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарх: Ҳамма яхши ишлар ҳам афзал. Лекин афзалларнинг ичида ҳам афзали бор. Мусулмон киши кўпроқ фазлга эга бўлишни хоҳлаб энг афзал ишни кўпроқ қилишга уриниши керак.

Шу маънода Абу Зарр розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга савол бердилар ва у Зот энг афзал иш Аллоҳга иймон келтириш ва Унинг йўлида жиҳод қилиш эканини баён қилдилар.

Абу Зарр Ғифорий қул озод қилиш яхши амал эканини яхши билар эдилар. Шу билан бирга, қул озод қилиш билан қул озод қилишнинг фарқи борлигини ҳам яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам у Зотдан қандоқ қулни озод қилиш афзал, деб сўрадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам энг қимматбаҳо ва эгаси учун энг қадрли бўлган қулнинг озод қилиниши энг яхши қул озод қилиш эканини баён этдилар.

Албатта, қулни ишлатиб-ишлатиб, қариб, ҳеч нарсага ярамай, боқиманда бўлиб қолганда озод қилиш билан, ёш, навқирон, қўлидан ҳар бир иш келадиган, баҳоси юқори бўлиб турганда озод қилишнинг фарқи бор.

Исломда хайрли ишни қуруқ овоза учун қилиб, уни қилишдан кўзланган мақсадни суъистемол этиш маъқул кўрилмайди. Балки энг яхши сифатларга эга бўлган қулларни биринчи навбатда озод қилишга тарғиб этилади. Токи қобилиятли, ўзига ҳам, жамиятга ҳам кўпроқ фойда келтирадиган кишиларнинг сони кўпайсин.

Шу билан бирга, ўлим кўзига кўринганда қул озод қилиш билан ёш, навқирон қулни озод қилишнинг фарқи бор. Дунёга берилиб қулни озод қилмай юриб, кўзига ўлим кўринганда қул озод қилса, худди овқатдан тўйиб, ўзидан ошиб қолганини бошқага ҳадя қилгандек бўлади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

